

ТИҚХММИ Қарши филиалида мутахассислик фанидан магистратура имтиҳонлари

Жорий йилнинг 16 август куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали магистратура мутахассислигига мутахассислик бўйича махсус фанлар мажмуасидан имтиҳонлар бошланди. 2021/2022-ўқув йили учун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиалида мавжуд 6 та магистратура мутахассисликларига 169 нафар магистр талаба ҳужжат топширган.



Бугун яъни, 18 август куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (тармоқлар бўйича) магистратура мутахассислик бўйича махсус фанлар мажмуасидан имтиҳонлар бўлиб ўтди. Жараёнлар узлуксиз тарзда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг imtihon.edu.uz сайти орқали тўғридан-тўғри трансляция қилинмоқда. Шунингдек, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали магистратура кириш синовининг натижалари tiiamekb.uz сайти орқали эълон қилиб борилмоқда.

